

Жиноий қилмиш ортиқча квалификация қилинганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди

Жиноят ишлари бўйича Тошкент туман судининг 2002 йил 13 декабрдаги ҳукмига асосан М. ва И. ЖК 205-моддаси 2-қисмининг «в» банди билан энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдорида, 182-моддаси 2-қисмининг «а,г» бандлари билан энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдорида жарима, ЖК 59-моддаси тартибида энг кам ойлик иш ҳақининг 553 баравари миқдорида жарима жазосига судланганлар. Уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони 2-моддаси татбиқ этилиб, улар тайинланган жазодан озод қилинганлар.

Суд ҳукмига кўра, «Ўзбекистон» божхона постида хизмат вазифаларини ўтаётган Тошкент вилояти божхона бошқармаси суриштирувчиси М. ва назоратчи И.лар хизмат лавозимларидан фойдаланган ҳолда, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиб, Қозоғистон Республикасидан келаётган 4 юк автомашинасига юкланган 3.840.000 сўмлик 48 м³ ёғоч материалларини 1.255.406 сўмлик давлат божини ундирмасдан, Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказиб юборганлар.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди кассация инстанциясининг 2003 йил 25 сентябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари томонидан келтирилган протестда чиқарилган суд қарорларининг М. ва И.ларни ЖК 205-моддаси 2-қисмининг «в» банди билан айбли деб топиш ҳақидаги қисмини бекор қилиш ва ишнинг шу қисмини тугатиш масаласи қўйилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раёсати 2004 йил 29 сентябрь куни қуйидаги асосларга кўра протестни қаноатлантирди.

ЖК 182-моддаси диспозициясида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, бундай жиноят божхона ходимлари томонидан хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилиши эса, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ушбу модда 2-қисмининг «г» бандида назарда тутилган.

Қонун мазмунига кўра, божхона ходими томонидан бундай жиноят божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишга қаратилган ягона қасд билан содир этилганда, ҳаракат ЖК 205-моддаси билан қўшимча квалификация қилиниши талаб этилмайди.

Жиноят иши материалларида М. ва И.ларнинг мансаб ваколатларини сууистеъмол қилиш билан боғлиқ алоҳида жиноят таркибини берувчи жиноий ҳаракатни содир этганлари ҳолати аниқланмаган.

Суд М ва И.ларнинг ҳаракатларини ЖК 182-моддаси 2-қисмининг «а,г» бандлари билан бир қаторда ЖК 205-моддаси 2-қисмининг «в» банди билан ортиқча квалификация қилиб, нотўғри хулосага келган.

62-04- сонли қарор

